

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ

2024 йил май ойининг 16 куни, Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, вилоят судининг ўз биносида,

Раислик қилувчи – жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси С.Умаров, судлов ҳайъати судьялари У.Очилов ва У.Мамадалиевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Х.Нурмановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси, Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори А.Ханбердиев, судланувчи [REDACTED] унинг ҳимоячиси З.Ҳакимоваларнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2024 йил 1 апрелдаги [REDACTED] нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланувчининг ўзи томонидан берилган апелляция шикоятини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга апелляция тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2024 йил 1 апрелдаги ҳукмига кўра,

[REDACTED], 1968 йил 30 апрелда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, нафақада, иккинчи гуруҳ ногирони, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида, 3.300.000 сўм, ЖКнинг 228-моддаси 3-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10 баравари миқдорида, 3.300.000 сўм жарима жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида, 4.950.000 сўм жарима жазоси тайинланган.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹⁶⁻¹⁸, 497²⁶, 497³¹-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

а ж р и м қ и л д и :

[REDACTED] нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича Бўка туман судининг 2024 йил 1 апрелдаги ҳукми ўзгаришсиз, берилган шикоят эса қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Мазкур ажрим устидан Тошкент вилоят судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят берилиши ёки протест билдирилиши



мумкин.

Раислик қилувчи:

С.Умаров

Ҳайъат судьялари:

У.Очилов

У.Мамадалиев

